natijasida vujudga keladi. Tug‘ruq vaqtida miya shikastlanishi, bolaning tug‘ruq yo‘llaridan uzoq O‘tishi, vakuum-ekstraktor yoki ombur solinishi, bolaning kindigi O‘ralib, bo‘g‘ilib qolishi (asfiksiya) va boshqalar, ba’zan uning anomal rivojlanishiga olib kelishi mumkin.

Bolaning juda yoshligida turli kasalliklar bilan og‘rishi, masalan, meningit, meningoensefalit, otit, markaziy nerv sistemasining shikastlanishi va boshqa shu singari dardlarni boshidan kechirishi ham anomal rivojlanishiga sabab bo‘lishi mumkin.

“Integratsiya” tushunchasi ingliz tilidan olingan bo‘lib, integrative – qo‘shiluvchi, birlashuvchi, integration – qo‘shilish, birlashish degan manoni bildiradi. Volferen Bergerning yozishicha: “Integratsion ta’lim bu – segregatsion ta’limning aksi bo‘lib, bunda maxsus ehtiyojga ega bolalar umumta’lim muassasalari tizimiga kiritiladi”.

Integratsiya keng, ma’noda ijtimoiy integratsiya yoki jamiyatga integratsiya va pedagogik integratsiya yoki ta’limga integratsiyani o‘z ichiga oladi.

Ijtimoiy integratsiya – rivojlanishida nuqsoni bo‘lgan bolani ijtimoiy munosabatlar va xatti-harakatlarning umumiy tizimiga ijtimoiy adaptatsiyasidir. Nogiron bolani jamiyatga integratsiyasi muammosi bir tomondan, psixik va jismoniy rivojlanish kamchiliklarini mavjudligi bilan, ikkinchi tomondan ijtimoiy munosabatlar tizimini mukammal emasligi, ya’ni ba’zi talablarini ma’lum darajada keskinligi xayot faoliyati cheklangan bola uchun o‘ta olmaydigan to‘siqqa aylanishi bilan ifodalanadi. Nogironlarni jamiyatga integratsiyasining ikki yondashuvi mavjud. Birinchi yondashuv nogironni jamiyatga integratsiyasini mavjud atrof muxit shart-sharoitlarga moslashishini nazarda tutadi. Albatta, mazkur yondashuv bir tomonlama va juda tordir. Ikkinchi yondashuv nogironni jamiyatga kirishga tayyorlash va jamiyatni nogiron bolani qabul qilishga tayyorlashni nazarda tutadi. Nogironni jamiyatga kirishga tayyorlash bo‘yicha ko‘pgina ishlar amalga oshirilgan bo‘lsada, jamiyatni nogiron bolani qabul qilishga tayyorlash bo‘yicha ishlar endi muxokama qilinmoqda.

T.V.Furyayeva bolalar integratsiyasining to‘rt turini (jismoniy, funksional, ijtimoiy va ijtimoiy-etal) ajratib ko‘rsatgan.

Jismoniy integratsiya – bolalarni bir binoda faoliyat ko‘rsatishi. Muallifning ta’kidlashicha, integratsiyaning bu turi bolalar dunyolari orasidagi masofani qisqartirishning boshlang‘ich davridir.

Funksional va ijtimoiy integratsiya uchun predmet-fazoviy birlashuv xosdir. U predmetli munosabatlar, shaxslararo aloqalar, muloqotni tashkil etish orqali amalga oshiriladi.

Ijtimoiy-etal integratsiya ijtimoiy masofalarni to‘liq qisqarib ketishi, faoliyatdagi tengxuquqli hamkorlik, subyekt-subyekt munosabatlarini nazarda tutadi.

Ijtimoiy adaptatsiya – o‘zgaruvchan xayot sharoitlariga insonni moslashish qobiliyati bo‘lib, u ijtimoiylashuv va integratsiyaning muxim mexanizmidir. Ijtimoiy adaptatsiya turli faoliyatlar(o‘yin, muloqot, o‘qish, mehnat) va insonni o‘zini anglash jarayonida amalga oshadi. Mazkur faoliyat turlari bir vaqtning o‘zida xayotning turli bosqichlarida adaptatsiya vositalari, maqsadlari va natijalari sifatida xizmat qiladi. Inklyuziv ta’lim bu – davlat siyosati bo‘lib, nogiron va sog‘lom bolalar o‘rtasidagi to‘siqlarni bartaraf etish, maxsus talimga muhtoj bolalarni rivojlanishidagi nuqsonlari yoki iqtisodiy qiyinchiliklaridan qat’iy nazar ijtimoiy hayotga moslashtirishga yo‘naltirilgan umumta’lim jarayoniga qo‘shishni ifodalovchi ta’lim tizimidir. O’zbekistonda bolalarning tug’ilishi, unib-o’sishi, kamolga yetishigacha bo’lgan barcha davri davlatimizning doimiy nazoratida, diqqat-markazida. Davlat e`tiborida voyaga yetgan bola esa uning haqiqiy farzandi bo’lib ulg’ayadi.

**Adabiyotlar**

1. Karimov I.A “ Yuksak ma’naviyat - yengilmas kuch” -Toshkent: 2008.
2. Raxmanova V.S “Maxsus pedagogika” -Toshkent: 2004.
3. Raxmanova V.S “Defektologiya asoslari “ -Toshkent: 2012.
4. Po’latxo’jayeva M.R “Defektologiyaning klinik asoslari “ -Toshkent: 2014.

**REZYUME**

Maqolada rivojlanishda nuqsoni bo’lgan bolalarning asosiy muammolarini, nogironlikning kelib chiqish sabablarini o’rganish, Integratsiya tushunchasini aniqlash, samarali integratsiya shartlarini ajratib olish yoritilgan bo’lib, pedagog va defektolog olimlarning yosh avlod ta’lim tarbiyasiga oid qarashlari bilan tanishish mumkin.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются выявление и изучение причин возникновения инвалидности при развитии у детей с отклонениями, их интегрирование и объяснение. Изучаются мнения учёных педагогов и дефектологов по поводу воспитания и образования молодого поколения.

**SUMMARY**

The article is devoted to the study of the causes of disability in the development of children with deviations, their integration and explanation. The author of the article also studies the opinions of scholars and defectologists on the issues of upbringing and education of young generation.

## ОЛИЙ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА АХБОРОТ ТАЪЛИМИ МУҲИТИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТЛАРИ

**У.Н.Тайлақов** - *Халқ таълими вазирлиги “Зиёнет” бўлими бошлиғи*
*Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри*

**Таянч сўзлар:** ахборот-коммуникация технологиялари, ахборот таълим муҳити, глобаллашув, инфратузилма, интеграция, интернет ресурслари.

**Ключевые слова:** информационно-коммуникационные технологии, информационно-образовательная среда, глобализация, инфраструктура, интеграция, интернет ресурсы.

**Key words**: information and communication technologies, information educational environment, globalization, infrastructure, integration, Internet resources.

Бугунги кунда жамиятнинг тезкор ахборотлашуви, инсонларнинг ахборотларга эга бўлишга интилиши кишилик жамияти цивилизациясининг бевосита кейинги тараққиётини ривожлантириш ва бошқаришнинг фаолиятли-тизимли қонуний жараёни сифатида эътироф этилмоқда. Янги асрнинг боши инсон ижтимоий ҳаёти тараққиёти саноатлашган жамиятдан ахборотлашган жамиятга, бошқача айтганда, “билимлар жамияти” га жадал суръатларда ўтиши билан рамзий маъно касб этади.

«Глобаллашув» атамаси кейинги пайтларда амалга оширилаётган барча олий таълим тизимига доир илмий тадқиқотларда кўзга ташланади [1,2,4,6]. Таълимдаги ҳамкорлик фаолиятга бутун дунё аҳолиси томонидан эркин ва демократик жамият барпо этиш гарови, дунёда тинчликни сақлаш, тараққиётни кафолатлаш омили сифатида қаралади.

Агар жамиятни ахборотлаштиришнинг илк босқичларида миллий ахборот таълим муҳитларини шакллантиришга асосий эътибор қаратилган бўлса, ҳозирги кунда биз бу жараённинг ягона интеграциялашган халқаро таълим муҳитини яратишга бўлган интилишга кўчганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу жараёнда асосий эътибор таълим муассасалари ахборот муҳитини шакллантиришга йўналтирилади [2,3,5,6].

Маълумки, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда кенг кўламда қўллаш жаҳон тараққиётининг глобал тенденцияси ҳисобланади. Янги технологиялар кун сайин ривожланиб, мамлакатда ахборотлаштириш жараёни тез суръатлар билан ривожланаётган айни даврда таълим муассасалари ахборот таълим муҳитини яратишга эътибор қаратилмоқда. Аммо ахборот ва коммуникация технологияларининг жадал суръатлар билан ривожланишига қарамай, таълим тизимига замонавий технологияларни, ўқитишнинг янги методлари, шакллари ва воситалари бўйича педагогик тадқиқотлар натижаларини жорий этиш даражасини етарли, деб бўлмайди.

“Ахборотлашган таълим муҳити” тушунчасига турли қарашлар ва таклифлар мавжуд бўлиб, унга интернет таълим федерацияси материалларига асосланиб қуйидаги таърифни бериш мумкин:

*Таълим муассасасининг ахборотлашган муҳити* таълим жараёни самарадорлигини оширишга қаратилган ахборот технологияларининг тизимли интеграциясини таъминловчи махсус ташкил этилган компонентлар мажмуасидир.

Олий педагогик таълим муассасаларининг ахборот муҳити таълим жараёнида бевосита талабани ўраб турган ахборотлар тизими муҳитидаги фаолияти билан боғлиқликда амалга ошади.

Олий педагогик таълим муассасалари ахборот таълим муҳити технологик жиҳатдан ахборотни анъанавий ва электрон ташувчилар, компьютер-телекоммуникацион технологиялар, виртуал кутубхоналар, базалар манбаи, ўқув-услубий мажмуалари ва бошқа кенг кўламли дидактик аппаратлар интеграцияси асосига қурилади. Юқоридагилар билан бирга у қуйидаги модуллардан ташкил топади:

1. ОТМ администратори.
2. ОТМ ўқув ишлар бўйича проректори.
3. ОТМ «Ўқув бўлими» бошлиғи.
4. ОТМ «Ўқув бўлими» инспектори.

5. ОТМ «Факультет» декани.
6. ОТМ «Факультет» декани муовини.
7. ОТМ кафедраси мудири.
8. ОТМ илмий бўлим бошлиғи.
9. ОТМ катта илмий тадқиқотчи-изланувчи бўлими бошлиғи.
10. ОТМ Тадқиқот раҳбари.
11. ОТМ ходимлар бўлими бошлиғи.
12. ОТМ ходимлар бўлими инспектори.
13. Профессор – ўқитувчилар.
14. Талабалар.

Ахборот-таълим муҳити шароитида талабаларнинг ижодий ва мустақил фикрлаши, ташаббускорлигининг жадал ривожланиши таъминланади, бунда қуйидаги *педагогик шартларга* эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- аудитория дарсларидан 4-5 талабадан иборат гуруҳларда амалга ошириладиган лаборатория машғулотларига ўтиш;
- мавзуларни ўрганишда тизимлилик, мантиқий изчиллик;
- билиш-англаш фаолиятини компьютер воситалари ёрдамида мустақил излаб топиш асосида ишлаш тартибига ўтказиш;
- ютуқ ва муваффақиятларни кучайтириш гуруҳ мақсад ва манфаатларини бирлаштириш;
- тест шаклида ўзлаштирилган билимлар жорий назоратини амалга ошириш;
- ҳамкорлик фаолияти асосида талабаларнинг бир-бирларини ўқитиш тизимини амалга ошириш мақсадида барча талабаларга бир хил эмас, балки бошқа-бошқа материал ва мавзуларни турли хилдаги методлар асосида ўрганишни жорий этиш;
- педагогик ҳамкорлик трансформацион режимини ўрнатиш асосида ўқитувчи ўзининг ахборот-билим берувчи позициясини талабаларнинг ўзлари мустақил ўзлаштирган ахборот-билимларини назорат қилувчи-фильтрловчи позициясига алмаштириш.

Ахборот таълим муҳитида муваффақиятли фаолият юритиш *талаба*дан қуйидагиларни талаб қилади:

- ўз устида ишлаш жараёнини лойиҳалаш, режалаштириш кўникмасига эга бўлишни;
- белгиланган режа асосида мақсадли ишлай олишни;
- ўқув фаолиятида ўз-ўзини назорат қилишни амалга ошира олишни;
- илмий ва ўқув ахборотларини англаш-билиш ва уларни таҳлил қила олиш кўникмаларига эгаликни;
- ўрганилаётган муаммо мавзусидан қатъий назар унга доир ахборот манбаларини библиографик қўлланма ва каталоглар ёрдамида топиш кўникмаларини;
- турли муаммо ва масалаларга бағишланган илмий, услубий ва бошқа адабиётлар рўйхатини илмий библиографик қоидалар асосида рўйхатга олиш малакаларини;
- интернет ресурсларидан фаол фойдаланишни.

Олий педагогик таълим муассасалари ахборотлашган таълим муҳитида фаолият юритиш педагогдан масофали таълим шакл ва методларидан фойдаланиш, педагогик ҳамкорлик, таълимнинг анъанавий ва ностандарт усулларини қўллашда глобал тармоқдан фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишни талаб қилади.

Анъанавий талаблар қуйидаги жиҳатлар мужассамлигини талаб қилади:

- ташкилотчилик кўникмаларини (талабаларни жипслаштириш, ишни режалаштириш ва бошқ.);
- дидактик малакаларни (ўқув жиҳозларини тайёрлаш; материалларни аниқ ва ишончли танлаш ва уларни изчил тартиблаш, талабаларнинг маънавий эҳтиёжлари ва билиш жараёнларини стимуллаш);
- перцептив қобилиятлар (талабаларнинг маънавий дунёсига кира олиш, уларнинг эмоционал ҳолатларини объектив баҳолай олиш, талаба руҳиятининг ўзига хос жиҳатларини аниқлай олиш);
- коммуникатив малакалар (таълим муассасаси раҳбарлари, ҳамкасблар, ота-оналар ва талабалар билан турли мақсадга мувофиқ муносабатларни ўрнатиш);
- суггестив қобилиятлар (талабаларга руҳий–ҳиссий таъсир кўрсата олиш);
- илмий-тадқиқот, изланиш имкониятлари (танлаган ихтисослиги юзасидан илмий-назарий билимларни мукаммал ўзлаштириш, педагогик вазият ва жараёнларни англаш ва уларни объектив таҳлил қила олиш);
- фанга оид қобилиятлар (таълим фанларини профессионал даражада билиш).

Ахборот таълим муҳитини олий педагогик таълим муассасалари даражасида такомиллаштиришга таълимни технологиялаштириш жараёнининг таркибий қисми сифатида қаралади ва қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

- янги ахборот технологияларидан самарали фойдаланишнинг педагогик шароитларини таъминлаш;
- таълим жараёнига педагогик информатиканинг методлари ва стратегиясини татбиқ этиш.

Бугунги кунда замонавий ишлаб чиқаришнинг барча жараёнлари ва босқичларида юқори иқтисодий самара ва тараққиётга инновацион ғояларсиз эришиб бўлмайди. Мазкур ғояларнинг асосчиси, ташаббускори ва ижрочиси, ташувчиси эса пухта тайёргарликка эга бўлган мутахассис ҳисобланади. Бу ҳолатни инобатга олиш олий таълим муассасаларида барча соҳалар бўйича амалга оширилаётган педагогик жараёнларни сифатли ахборот муҳити билан таъминлаш, уни педагогик информатиканинг замонавий, янги ғоя ва методлари билан бойитишни назарда тутади.

Таълим жараёнини ахборотлаштиришнинг муҳим компоненти саналадиган олий педагогик таълим муассасалари ахборот таълим муҳитини такомиллаштириш юзасидан тажриба-синов ишларини амалга ошириш методлари, шахс ахборот маданиятини шакллантиришнинг таркибий-функционал модели мазмуни, педагогик технологияларни амалиётга жорий этиш асоси бўлган педагогик информатика ёрдамида талабаларда муҳим касбий жиҳатларни тарбилашнинг ўзига хос жиҳатлари амалга оширилган тажриба-синов ишлари натижалари орқали ёритиб берилди.

Инсон ҳозирги кунда глобал тармоқ ёки мультимедиалар воситасида ўзини ҳар томонлама камол топтириш, турли ахборотларга эга бўлиш имкониятига эга. Айнан шу имкониятлар шахс ахборот маданиятини шакллантириш вазифасини ўташга хизмат қилади.

Шахснинг ахборот маданияти шундай билим ва кўникмалар тизимики, улар воситасида инсон ўзининг ахборотлашган жамиятда ижтимоий муҳофазаси ва касбий фаолияти жараёнида ахборотга бўлган барча эҳтиёжларини замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тўла таъминлашга қаратилган мақсадли фаолиятини қамраб олади.

Ҳозирги кун шароитида шахснинг ахборот маданияти даражасини ҳар қандай мутахассиснинг энг муҳим касбий жиҳатлари сифатида қараш керак бўлади.

«Ахборот маданияти» тушунчаси мазмунини қуйидаги назарий-методик модел асосида тақдим этиш мумкин:

- ахборотлашган жамият қадриятларини шахс даражасида қабул қилиш;
- етарли даражадаги компьютер саводхонлиги малакасига эга бўлиш;
- фаоллик асосида зарур ахборотларни инновацион компьютер технологиялари ёрдамида топиш ва қайта ишлаш кўникмасига эгалик;
- ахборот-библиографик қидирув ишларини амалга ошириш кўникмасини эркин амалга ошира олиш;
- турли муаммо ва масалаларга бағишланган илмий, услубий ва бошқа адабиётлар рўйхатини илмий библиографик қоидалар асосида рўйхатга олиш малакаларига эга бўлиш;
- касбий фаолиятга нисбатан ижодий ёндашиш.

Жамиятнинг саноатлашган тараққиёт босқичига қадам қўйиши иқтисоднинг барча соҳаларида ахборот технологияларидан фойдаланиш масаласини даврнинг устувор вазифасига айлантирди ва бу барча соҳалар таълим жараёнида талабаларнинг замонавий таълим технологиялари, ахборот технологияларидан атрофлича билим, кўникма ва малакага эга бўлишларини таъминлаш асосида уларда касбий фаолият учун зарур бўлган мустақил, эркин ва ижодий фикрлаш, ташаббускорлик каби жиҳатларни тарбиялаш зарурати вужудга келтирди. Эътироф этилган жиҳатлар шахснинг умумий ривожланиши, муҳим касбий сифатларнинг шаклланиши, ахборот муҳитининг яратилиши ва такомиллашишида ўзига хос аҳамиятга эга.

Олий педагогик таълим муассасалари битирувчилари замонавий компьютер муҳитида турли ахборот манбалари билан эркин ишлай олишлари; касбига оид вазифа-топшириқларини бажариши, электрон ҳужжат айланмалари яратиши, ахборот сўровларини тўғри ташкил қилиши, зарурат туғилганда ахборот ва коммуникацион технологиялар асосида муассасани бошқариши талаб этилади.

Бу каби шароитларда талабанинг олий педагогик таълим муассасаларида барча фан асосларидан, асосан, ахборот технологияларидан эгаллаган касб фаолияти, интеллектуал, фуқаролик-ҳуқуқий, компьютер саводхонлиги сингари билим, кўникма ва малакалари натижалари биринчи планга чиқади. Эътироф этилган билим, кўникма ва малакалар мажмуаси талабанинг касбий фаолияти билан боғлиқ юзага келадиган турли муаммоларни бартараф этиш жараёнида, шунингдек, тўлақонли шахс сифатида жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омил саналади.

**Адабиётлар**

1. Алламбергенова М.Х, Тайлаков У.Н. Интерактив ўкув мажмуалар яратиш: назария ва амалиёт. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат нашриёти. Монография. -Т.: 2013, 144-б.
2. Баранова Т.А., Максимова О.А., Фомина А.А. Создание современной информационно-образовательной среды образовательного учреждения. // Информатика и образование. Серия: Педагогика. - № 1. 2007.
3. Жилин С.М., Жилина Л.В. Организация школьной корпоративной сети. // Информатика и образование. Серия: Педагогика. № 1. 2006.
4. Красильникова В.А. Информатизация образования: понятийный аппарат. // Информатика и образование. Серия: Педагогика. № 4. 2003.
5. Красношлыкова О.Г. Создание единого информационного пространства как условие развития муниципальной системы образования. // Информатика и образование. Серия: Педагогика. № 12. 2005.
6. Тайлақов У.Н. Таълим муассасининг ягона ахборот фазосини ташкил этиш. // Халқ таълими. 6-сон. 2011.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада олий педагогик таълим муассасаларида ахборот таълим муҳитини ташкил этиш ва ундан фойдаланишнинг педагогик шартлари қаралган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются вопросы создания педагогических условий для использования информационно-образовательной среды в высших педагогических образовательных учреждениях.

**SUMMARY**

The article is devoted to the ussues of formation of pedagogical conditions for using informational-educational environment at higher pedagogical educational institutions.

# СТУДЕНТ ЖАСЛАРДЫҢ АНЫҚ МУТӘЖЛИГИНЕ ТИЙКАРЛАНҒАН ДЕНЕ МӘДЕНИЯТЫ ҲӘМ ОНЫҢ ТҮРЛЕРИ

**Ж.А.Турдымуратов** – *үлкен оқытыўшы*

**Т.Ш.Сейтмуратов** – *ассистент оқытыўшы*

*Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети*

**С.М.Тойлибаев** – *ассистент оқытыўшы*

*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*

**Таянч сўзлар:** жисмоний маданият, мутахассислик эмас жисмоний маданият таълими, спорт, жисмоний рекреация, жисмоний қайта тикланиш.
**Ключевые слова:** физическая культура, неспециальное физкультурное образование, спорт, физическая рекреация, физическая реабилитация.
**Key words:** physical culture, non-special sports education, sport, physical recreation, physical rehabilitation.

Дене мәденияты жоқары оқыў орынларында тәлим тараўы сыпатында жүритилиўи менен бир қатарда жаслардың улыўма мәдениятының қәлиплесиўиниң әҳмийетли базасы болып табылады. Дене мәденияты студент жаслардың дене менен руўхый тетиклигин жетилистирип, инсанның улыўма-инсаныйлық қәдириятлары болған денсаўлық, дене саламатлығы менен психикалық ҳәм физикалық кәмиллигин тәмийинлейди. Студент жаслардың дене мәдениятын инсаный қәдрияатлар сыпатында дурыс түсиниўи, дене тәрбиясы мәдениятының бир неше түрлериниң қәлиплесиўине, болажақ қәниге мәдениятының бир түри сыпатында жәмийетшилик пикирин жетилистириўде ҳәм дене мәдениятының абзаллығын (бахалылықларын) өзлестирип барыўда алдыңғы қатардағы көнликпелерди қәлиплестириўге тийкар салыўшы әмелий себеплердиң бири болыўы мүмкин.

Соңғы жыллары талаба жаслардың дене мәдениятында дене тәрбиясының жаңа заманагөй түрлерин, усылларын ҳәм қуралларын енгизиўдиң нәтийжелилигин тереңирек үйрениўге бағышланған илимий мийнетлердиң саны артып барыўы менен бирге олардың мазмуны да байып ҳәм сапасы да анағурлым жақсыланып бармақта. Бундай мийнетлерди дене тәрбиясы мәденияты теориясы нәзеринен келип шыққан ҳалда үйрениўге, дене тәрбиясы теориясының жаңа концепциясын ислеп шығыўда жаңа шешимлер ҳәм олардың жоқары оқыў орынлары гуманитаризация шараятында әмелге асырылыўының жаңа жолларына тийкар салынған мийнетлер айрықша итибарды тартады [2, 3, 6].

Тараў қәнигелериниң талаба жаслардың дене тәрбиясы машқалаларына бағышланған мийнетлерге қосқан бийбаҳа үлесин баҳалай отырып, соны да айтып өтиў керек, дене тәрбиясы мәдениятының түрли тараўларының теориялық тийкары белгили бир мақсетке бағдарланған жаңа түрлери, усыллары, жоллары ҳәм қуралларынан пайдаланыў еле әмелде қолланылмай атыр. Талаба жаслардың дене ҳәм руўхый саламатлығы ҳәм әдеп-икрамлылығы менен байланыслы жүдә көп мәселелер өз шешимин күтпекте.

Бүгинги күни мине усы мәселелердиң, яғный жаслардың дене тәрбиясы менен шуғылланыўының түрлери, усыллары ҳәм қуралларын теориялық жақтан тийкарлаў ўақты жетти. Талаба жаслардың қәнигелик емес дене тәрбиясы, спорт қәнигелиги, дене рекреация ҳәм физикалық қайта тиклениў бойынша алдына қойған мақсетлери ҳәм мүтәжлигиниң қәлиплесиўи машқаласы жүдә әҳмийетли ҳәм өз шешимин күтип турған мәселелерден болып табылады.

Жоқары оқыў орынларында дене тәрбиясының түрлерин ислеп шығыўда дене тәрбиясы түрлериндеги бәрше объектив (жәмийет талаплары) ҳәм субъективлик (жеке зәрүрликлер) мүтәжликти тийкарғы өлшем сыпатында алып қараған мақул. Дене тәрбиясының ҳәр бир түри ушын өз алдына теория, шөлкемлестириў жолларын, мақсетлерин, түрлерин, әмелге асырыў жолларын, усыллары ҳәм қуралларын ҳәм оның дене тәрбиясының басқа түрлери менен байланысын ислеп шығыў зәрүр. Мәселеге бундай көзқарас пенеп қараўға ҳәр бир талабаның дене тәрбиясы менен шуғылланыўында жеке себеплери, мүтәжлиги ҳәм қызығыўшылығын қанаатландырыў менен бир қатарда улыўма жоқары оқыў орынларында гуманитаризация системасында дене тәрбиясының орнын жоқары басқышларға жетилистириўден ибарат болып табылады.

Дене тәрбиясы қурамын (дүзилисин) социаллық зәрүрлик теориясы сыпатында изертлей отырып В.М. Выдрин мына пикирди айтып өтеди: «Инсанның дене тәрбиясындағы ҳәр тәреплеме жетилисип барыў процесинде "илим ҳәм жәмийетлик тәжирийбениң раўажланып барыўы менен бир қатарда оның түрлери ҳәм формалары да қәлиплесип барады» [6].

Дене тәрбиясы теориясында дене тәрбиясының әмелде ҳәрекет етиўиниң тийкарғы түрлери ислеп шығылған: қәнигелик емес дене мәденияты тәлими, спорт, физикалық рекреация, физикалық қайта тиклениў. Бундай уйымласқан бирликтиң негизинде тийкарғы қурал – дене тәрбиясы шынығыўлары болып табылады. Олар организмниң ҳәм оның ҳәрекетлериниң баслы тийкары, бир-бири менен байланысы, әмелдеги тийкарғы қурамлық бирлиги есапланады.

Жоқары оқыў орынларында дене тәрбиясының тийкарғы түри бул – қәнигелик емес дене тәрбиясы. Ол улыўма алып қарағанда тәлим сыяқлы жеке инсанның ҳәм қалаберсе, жәмийет турмысының улыўмалық ҳәм мәңги дәрежеси болып қалабереди. Қәнигелик емес дене тәрбиясы менен шуғылланыўшы жоқары оқыў орынлары талабаларының дене тәрбиясы менен шуғылланыўы бойынша тәлим бағдарын ҳәм соның менен бирге талабалардың билим дәрежесин жоқарылатыў зәрүрлиги төмендеги бир қатар илимий мийнетлерде кеңирек жарытылып өтилген [1, 2, 6, 8].

Жаслардың дене тәрбиясы менен шуғылланыўының тәлим бағдарын жетилистириў дегенимиз бул тек ғана олардың дене саламатлығын жоқарылатыў менен шекленип қалмайды, ал ең баслысы, руўхый дүньясын байытыў, соның менен бирге дене тәрбиясын мәденияттың өз алдына бир көринистеги қәдирияты сыпатында мүнәсибетин ҳәм дене тәрбиясының түрлери, усыллары, қураллары ҳәм мақсетине дөретиўшилик көзқарастағы қатнасы ҳәм толық аңлап жетиўин қәлиплестириўден ибарат процесс болып табылады.

Жоқары оқыў орынлары жасларының қәнигелик емес дене тәрбиясы менен шуғылланыўының тийкарғы мақсетлери төмендегилерден ибарат:

1. Ҳәр бир жас әўладтың инсан ҳаққындағы, оның инсаный қәсийетин ҳәр тәреплеме раўажландырыўға қаратылған қәдирияатлар, белгили норма ҳәм қағыйдалар дүзими сыпатындағы мәденияты ҳаққындағы билимлерге толық ийе болыў.

2. Талаба жаслардың дене тәрбиясын раўажландырыў менен бир қатарда, оның интеллектуаллығының (әдеп-икрамлылық, эстетикалық мәдений-эстетикалық) негизлерин қәлиплестириў;

3. Талаба жасларда өз өмири даўамында дене тәрбиясының мүтәжлигин ҳәм гуманистлик (инсаныйлық) себеплери менен мақсетлерин басқара алыўшылық, өзиниң дене ҳәм руўхый раўажланыўын сынға алып баҳалай алыўшылық қәсийетин тәрбиялаў;

4. Талаба жасларды дене тәрбиясы тараўында өз бетинше еркин тәризде өз билимлерин жетилистириўге, өз-өзин раўажландырып барыўға, қадағалай алыўға, дене ҳәм руўхый саламатлығын турмыстың бәрше тараўларындағы баслы тирек сыпатында аңлап жетип жетилистирип барыўға бағдарлаў.